

СПОРТ ИНШООТЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШДА ҚҮЛЛАНИЛАДИГАН КОНСТРУКЦИЯЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ ТҮГРИСИДА

Бахтиёр Исмаилович Иноғомов

Арх.ном. доц., Тошкент Архитектура Қурилиш Университети,
Тошкент, Ўзбекистон

Равшан Икромович Алимджанов

Кат.ўқит., Тошкент Архитектура Қурилиш Университети, Тошкент, Ўзбекистон

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7439984>

Аннотация. Мақолада спорт иншоотлари конструкцияларининг хусусиятлари, спорт иншоотининг шакл-шамоилига, функционал-технологиясига, қабул қилинган материалига боғлиқлиги баён этилган. Спорт биноларида қўлланилган конструктив ечимлар таҳлил қилинган ва уларни лойихалаши жараёнида хисобга олии тўғрисида таклифлар берилган.

Калит сўзлари: спорт иншоотлари, конструкциялар, функционал технологик, архитектуравий ечим, конструктив талаблар, омиллар, хусусиятлар.

ОСОБЕННОСТИ КОНСТРУКЦИЙ, ИСПОЛЬЗУЕМЫХ ПРИ ПРОЕКТИРОВАНИИ СПОРТИВНЫХ СООРУЖЕНИЙ

Аннотация. В статье описаны характеристики конструкций спортивных сооружений, их зависимость от формы, назначения и технологии сооружения спортивного сооружения, принятого материала, проанализированы конструктивные решения, применяемые в спортивных сооружениях, и внесены предложения по их учету. в процессе проектирования.

Ключевые слова: спортивные сооружения, конструкции, функционально-технологические, архитектурные решения, конструктивные требования, факторы, характеристики.

SPECIFIC ASPECTS OF CONSTRUCTIONS USED IN DESIGNING SPORTS FACILITIES

Abstract. The article describes the characteristics of the constructions of sports facilities, their dependence on the form, function and technology of the sports facility, and the adopted material. The constructive solutions used in the sports facilities were analyzed and proposals were made to take them into account during the design process.

Key words: sports facilities, designs, functional-technological, architectural solution, constructive requirements, factors, characteristics.

КИРИШ

Спорт иншоотлари конструктив ечимлари хусусиятлари шу турдаги иншоотлардаги функционал-технологик жараёнлар билан боғлиқ.

Асосий заллар шакллари ва уларнинг қопламалари – заллар шакли, сифими ва трибуналар жойлашуви хусусиятлари, ўқув-тренировка машғулотлари ва мусобақалар ўтказиш билан боғлиқ технологик жараёнлар характеристига кўра танланади (контактнинг учиш траекторияси, спортчиларнинг сувга ва калтак билан сакраш траекторияси, югуриш учун айланма йўлакчалар хусусиятлари ва жойлашуви ва бошқалар).

Полга (зичлик, динамик юкламалар), тўсиқли конструкциялар, ёруғлик тешикларининг ички безаги ва тўлдирмалари (механик, контакти урилишига

чидамлилиги, қопламанинг заарланишида, санитар-гигиеник талаблар ва бошқалар) алоҳида талаблар қўйилади.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Тўсиқли конструкциялар ва спорт иншоотларининг умумий ечимларига алоҳида талаблар – йилнинг ихтиёрий мавсумидаги об-ҳаво шароитларида жисмоний ва спорт машғулотлари билан шуғулланиш учун оптималь шароитларни таъминлаш заруриятидир.

Эксплуатациянинг мураккаб шароитлари ва мусобақалар ўтказиш учун спорт иншоотлари ўлчамлари, хоналар таркиби ва жиҳозланишига талабларда сезиларли фарқлар мавжуд.

Санаб ўтилган хусусиятлардан ташқари, бу иншоотлар конструктив ечимлари фуқаро бинолари кўтарма ва тўсиб турувчи конструкциялари унификацияси талабларига жавоб бериши керак.

Спорт иншоотлари конструктив ечими учун энг мураккаби – бу йилнинг турли мавсумлари ва об-ҳавосида оптималь шароитларни яратиш учун, ҳамда оддий ўқув-тренировка ва йирик машғулотлар ўтказиш учун қўйиладиган талабларнинг бир-бираига зидлигидир.

Ихтиёрий об-ҳавода, қишида ва ёзда, баҳорда ва кузда жисмоний маданият ва спорт билан шуғулланиш учун энг яхши шароитларни яратиш учун, ёки очиқ ва ёпиқ иншоотларнинг ягона ўзароалоқасини яратиш, ёки сурилувчи, йиғма-ёйма, ҳаво пуркагичли, тентли ва бошқа турдаги конструкциялар трансформацияси қўзда тутилади.

Оддий машғулотлар ва йирик мусобақаларни ўтказиш учун зарурый шароитларни яратиш мақсадида, трансформациянинг турли усулларидан фойдаланилади (трибуналар, асосий спорт майдончалари ва бассейн ванналари, ташқи деворларнинг тўсиқли ва кўтарма конструкциялари, тўсиқлар ва бошқалар).

Шундай қилиб, спорт иншоотлари учун ҳам стационар, ҳам трансформацияланувчи конструкциялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Трансформациядан фойдаланиш спортчилар ва томошабинлар учун оптималь шароитларни таъминлаши мумкин. Сўнгги вактда, трансформацияланувчи конструкциялар спорт иншоотларида кўпроқ ишлатилмоқда, масалан, Мюнхендаги Олимпия бассейнида, Франциядаги кўп сонли бассейн иншоотларида, трансформацияланувчи бассейнларда ва бошқалар.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Юқори жадалликка эга техник тараққиёт спорт иншоотлари учун, трансформацияланувчи конструкцияларни кенг қўлланиш имкониятини беради.

Унинг композицияси асосида катта оралиқли қопламаларнинг ягона фазоси ётади. Залли спорт иншоотларида барча хоналар ва трибуналар асосий залнинг умумий қопламаси остида жойлаштирилади (масалан, спорт саройлари, ёпиқ спорт ареналари, бассейнлар, катоклар ва х.к.).

Шу билан бирга, ёпиқ спорт иншоотларининг бир қатор ёрдамчи хоналари учун йириклаштирилган модуль ва унифицирланган сеткали устунлардан фойдаланиш ҳар доим ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Айрим ҳолларда, бир киши учун аниқ майдон меъёрлари ва функционал талаблар бўйича зарурый ўлчамларга қўра, бу хоналар майдонлари оширилади ёки камайтирилади. Шунга қўра, ёрдамчи хоналар учун йириклаштирилган модулдан фойдаланиш қарори, уни тасдиқловчи техник-иктисодий хисоб-китоблар билан асосланиши керак бўлади.

Тренировка ва спорт-намойиш иншоотлари фақат вазифасига эмас, балки қайси материалдан қурилганлиги ва қурилишда қабул қилинган ечимларга ҳам боғлик. Ҳозирги вақтда қурилишда қўлланиувчи конструктив схемалар турли-туманлиги билан фарқланади, улар ясси балқали, ромли, панжарасимон ва аркали тизимлардан бошланиб, то фазовий юпқа деворли тизимлар – йиғма ва тўлқинсимон қопламалар, осма ва вантли конструкциялар ва пневматик (пуфлама) тўсинлар билан тугайди. У ёки бу конструкцияни танлови маълум даражада режадаги иншоот шаклига боғлик. Агарда иншоот режада айлана шаклига эга бўлса, уни енгил гумбаз, шунингдек радиал ёки хосимон тросларга эга осма конструкциялар, андозали йиғма элементли қопламалар билан ёпиш мумкин. Режаси тўғрибурчакли иншоотларда йиғма элементлардан фойдаланиш осонроқдир. Сўнгти вақтларда, осма ва вантли конструкциялар кенг ишлатилмоқда, улар турли шаклдаги иншоотларни ёпиш имконини беради: линзасимон, овал, кўпбурчакли ва бошқалар.

Панжарали фермалардан ясалган пўлат қопламалар Мельбурндаги Олимпия сузиш бассейни биносида қўлланилган. Қопламалар конструкцияларининг замонавий ечими – бу ерда қоплама билан ягона тизимда биргаликда ишлаши учун иншоотнинг алоҳида кисмлари ўлчамларидан ва хусусиятларидан фойдаланилган. Трибуналарнинг оғма кўтарма конструкцияси бир вақтнинг ўзида қоплама фермасининг ушлаб турувчи таянчлари сифатида ҳам ишлатилган. Бундай ечим кўтарма вертикал деворларни қуришдан воз кечиш имконини берди.

Аркалар том қопламасининг қовурғаларини ва плиталарини ушлаб турувчи кўтарма конструкциялар хисобланади. Бухарест, Лодза, Краков ва Стокгольм стадионларидағи аркали қопламалар шу тизим бўйича қурилган. Ҳозирда, эстетик ва иқтисодий қарашлар бўйича, бундай темирбетонли конструкциялар ишлатилмаяпти. Уларни енгил материаллардан қуриш фойдали ва қулайдир.

Турин саройида аркалар таянчларга енгиллаштирилган, бу эса кўргазма зали гексогонал режаси Париждаги Саройга нисбатан сезиларли яхшилаган. Қаттиқликни таъминлаш мақсадида, аркалар юпқа деворли икки таврли кесимда қурилган.

Аркалар сиқилишга ишловчи, қиммат бўлмаган конструкция сифатида мустақил қўлланилмасада, бошқа фазовий конструкциялар билан биргаликда ишлатилади. Свод-оболочкалар (гумбаз-қобиқ) диафрагмаларига, вантли ва осма конструкцияларга кўпинча арка шакли берилади.

Катта спорт заллари қопламаларининг замонавий конструкциялари кўпинча фазовий оболочкаларни ўзида акс эттиради. Бу оболочкаларнинг кўп сонли шаклларидан иккита асосий гурухни ажратиш мумкин: ўзининг қаттиқлигига қўра, асосан сиқилишга ишловчи свод-оболочкалар ва мустақил осма ёки кўпинча, тортилган сеткалардан тузилган, асосан чўзилишга ишловчи осма конструкциялар.

Спорт бинолари кўпинча, думалоқ ёки овал тархда қурилади. Шундай залларнинг бирида, айнан Лиондаги стадионда йиғма конструкцияли гумбазли қопланадан фойдаланилган.. Овалли тархда Дортмунддаги Вестфаль стадиони қурилган. Стадион аркали пўлат фермалар билан ёпилган.

Техасдаги Хьюстон стадионида ламелла туридаги гумбаз билан қопланган энг катта оралиқ 196,0 м ли бўлган. Стерженли конструкция – фазовий фермали конструкциялардан тўлиқ ишлатилган.

Сўнгти вақтда конструкторлар кўпинча вантли осма тизимларга мурожаат қилмоқдалар. Бундай тизимларнинг муҳим афзалиги – бу уларнинг енгиллиги ва юқори чидамли пўлатдан тўлиқ фойдаланиш имкониятидир.

Катовицадаги стадионда думалоқ режадаги вантли конструкциялардан шунингдек янги конструктив унсурлар Токиодаги Ёги спорт маркази стадионларидағи осма конструкциялари қопламаларидан фойдаланилган.

Иккала стадионлардаги ареналар деярли думалоқ шаклга эга, лекин уларнинг қопламалари юқорида қайд қилинганидан умуман бошқача ўрнатилган. Аҳамиятли фарқи шунда-ки, бу ерда аниқ даражадаги қаттиқликка эга пўлат арқонлар ишлатилган.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, умуман хозирги вақтда спорт иншоотларида кўпфункционаллик хусусияти ортиб бормоқда, наижада уларда кенг муҳитли фазовий ечимларни қўллаш талаб этмоқда. Шунинг учун юқоридаги айтиб ўтилган кенг муҳитли конструктив ечимларни қўллаш ва уларни хусусиятларини хисобга олиш мақсадга муофиқдир

REFERENCES

1. Inogamov, B. I., & Khasanov, A. O. (2021). Taking Into Account Socio-Functional Factors in the Design of Housing. *Design Engineering*, 2587-2589.
2. Adilovna, Q. S. (2021). Features of the Design of Public Buildings in the Organization of Public Services. *湖南大学学报(自然科学版)*, 48(10).
3. Ozadovich, K. A., & Ismailovich, I. B. (2021). Issues of Organization of Service Sets on the Uzbek National Highway A-380. *Design Engineering*, 2582-2586.
4. Inogamov, B. I., & Khasanov, A. O. (2021). Taking Into Account Socio-Functional Factors in the Design of Housing. *Design Engineering*, 2587-2589.
5. Yunusov, S. H., & Qodirova, S. A. (2021). Issues Related to National Forms in the Architecture of Uzbekistan. *Design Engineering*, 10940-10943.
6. Adilovna, Q. S., & Ozodovich, X. A. (2021). REQUIREMENTS FOR THE PREPARATION OF INTERIORS IN SECONDARY SCHOOLS. *Emergent: Journal of Educational Discoveries and Lifelong Learning (EJEDL)*, 2(11), 74-77.
7. Ramatov, J., & Umarova, R. (2021). Central Asia in Ix-xii Centuries: Socio-political Situation, Spiritual and Cultural Development. *Academica Globe: InderScience Research*, 2(04), 148-151.
8. Qodirova, S. A., Aripova, N. A., Raximov, L. S., Turebaev, J. O., & Abdusalomov, U. X. (2021). Requirements For The Formation Of The Historical Structure And Internal Environment Of Secondary Schools. *The American Journal of Engineering and Technology*, 3(04), 60-64.
9. Qodirova, S. A., Raximov, L. S., Allayorov, K. O., & Sodiqov, M. M. (2021). Peculiarities Of The Buildings Of The Cultural And Educational Center. *The American Journal of Engineering and Technology*, 3(03), 1-6.
10. Abdujabbarova, M., Nazarenko, T., Begmatova, D., & Tuxtayeva, M. (2021). Industrial Production Of The Republic Of Uzbekistan. *The American Journal of Applied sciences*, 3(11), 39-47.

11. Xushnazarovich, Q. R., Xammatovna, S. M., & Mirkamol o'g'li, S. M. (2021). Traditional Houses and Architecture of Kashkadarya. *European Journal of Life Safety and Stability* (2660-9630), 12, 459-463.
12. Khasanov, A. O., & Allayarov, K. O. (2021). Residential Yurts Of The Ancient Nomads Of Central Asia And The Use Of Yurts In Tourism. *The American Journal of Engineering and Technology*, 3(01), 58-64.
13. Adilovna, Q. S. (2021). THE LINK OF CULTURAL AND EDUCATIONAL CENTERS TO THE SOLUTION OF THE PROJECT IDEA. *Emergent: Journal of Educational Discoveries and Lifelong Learning (EJEDL)*, 2(11), 92-95.
14. Ozodovich, X. A., Iqramovich, A. R., & Shaxnazarovich, R. L. (2021). Location of auxiliary rooms inside the living rooms in bukhara traditional residential areas.
15. Khasanov, A. (2020). Organizing Eco Tourism Along With Uzbek National Automagistrale Way. *Solid State Technology*, 63(6), 12674-12678.
16. Khasanov, A. (2016). About several infrastructure constructions of the Great Silk Road. *Int'l J Innov Sci Eng Technol*, 3(6), 295-299.
17. Ozodovich, X. A., & Azim o'g'li, N. A. (2021). Formation of the "Obod Mahalla" System in the Villages of Uzbekistan and Serving the Population. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI*, 1(5), 325-329.
18. Ozodovich, H. A., & Maribovich, Q. I. (2022). Improving the Design of Youth Innovative-Creative and Development Scientific Centers. *Eurasian Scientific Herald*, 7, 72-76.
19. TACI, A. K. About Several Infrastructure Constructions Of The Great Silk Road.
20. Mahmudov, O. Z. O., & Kasimov, I. M. (2021). THE STUDY OF THE GEOECOLOGICAL PROBLEMS OF A BIG CITY. *Academic research in educational sciences*, 2(4), 271-275.
21. Рazzakov, С. Ж., Холбоев, З. Х., & Косимов, И. М. (2020). Определение динамических характеристик модели зданий, возведенных из малопрочных материалов.
22. Zokirjon o'g'li, M. O., & Kasimov, I. M. (2021). MODELING OF BUILDINGS. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 2(05), 772-781.
23. Dedakhanov, B., & Kasimov, I. (2022). ANCIENT ARCHITECTURE OF THE FERGHANA VALLEY FEATURES OF FORMATION AND DEVELOPMENT (ON THE EXAMPLE OF CIVIL ARCHITECTURE AND URBAN PLANNING). *Science and innovation*, 1(C6), 278-284.
24. Ravshanovich, A. Z. (2021). Issues Of Improving Tourism Opportunities In Namangan Region. *International Journal of Progressive Sciences and Technologies*, 26(2), 40-44.
25. Ozodovich, H. A., & Maribovich, Q. I. (2022). Improving the Design of Youth Innovative-Creative and Development Scientific Centers. *Eurasian Scientific Herald*, 7, 72-76.